

## **Жамиятни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот.**

Кува тумани «Дехқон бозори» акциядорлик жамияти ўтган давр мобайнида, жамият молия-хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш йўлида жуда хам кўп амалий ишлар олиб борилди.

Туман аҳолисига сифатили хизмат кўрсатиш, тадбиркорларга қулайликлар яратиш, савдо сифати ва хавфсизлигини таъминлашга эришилди.

Жамиятни ривожлантириш бўйича жамият томонидан хар йили тузиладиган бизнес режага асосан кўрсаткичларни ошириш, савдо ўринларини кўпайтириш ва молия-хўжалик фаолиятни барқарорлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Жамият томонидан даромадларни янада ошириш, аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш, кўшимча жойларни ташкил этиш ва бошқа вазифаларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш йўлга қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг белгиланган фаолиятида соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган масалаларни бажаришга асосий эътибор қаратилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тадбир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.

Жамиятнинг истиқболли режаларида асосий эътиборни бутун куч ва бор имкониятларни биринчи навбатда белгиланган режаларни ошириб бажарилишига, шунингдек асосиз харажатларни вужудга келмаслигига қаратилади. Жумладан, бу тадбирларда жамиятимиздаги мавжуд камчиликларни ва нуқсонларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, олинган даромадларни тўғри шаклланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш, жой ҳақи ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш каби ишлар режаси белгиланди ва амалий ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятнинг хар бир ишчи ходимлари ва ижроия органи ходимлари белгиланган прогноз режаларни бажарилишида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар доирасида ўз иш фаолиятини белгилашлари лозим.

Корхона томонидан ўтган йили амалга оширилган, жорий йилда ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган Инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, Республика Инвестиция дастурига киритилган ҳамда корхона томонидан амалга ошириладиган бошқа лойиҳалар, уларнинг мақсади, асосий параметрлари, қуввати, умумий қиймати, молиялаштириш манбаси, бошлаш ва ишга тушириш муддати тўғрисидаги маълумотлар ёритилиши белгиланган.